

## ЖАЙДАРИ ЗОТЛИ ҚЎЧҚОРЧАЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШДА БУҒДОЙ МАЙСАСИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**O.B.Fayzullayev**

**Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar  
universiteti mustaqil izlanuvchisi**

**E.S.Shaptakov**

**ilmiy rahbar, q.x.f.d., dotsent**

**<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8296447>**

**Аннотация:** В статье приведены данные научных исследований по изучению влияния скармливания баранчиков породы жайдара зелёным гидропонным кормом на динамику их живой массы. Установлено превосходство животных опытной группы, скормленных гидропонным кормом над животными контрольной группы по динамике живой массы, абсолютному и среднесуточному привесу.

**Калит сўзлар.** Жайдари зотли қўчқорчалар, буғдой майсаси, тирик вазн, мутлақ ўсиш, суткалик ўсиш.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қўйчилик аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъмилашда асосий соҳалардан бири ҳисобланади, чунки соҳада ишлаб чиқариладиган гўшт маҳсулоти тўйимлиги, оқсил, ёғ, углеводларга ва бошқа кўпгина тўйимли моддаларга бойлиги жиҳатидан ўта қимматли маҳсулотлар қаторига киради. Қўйлар гўшт ишлаб чиқаришда қорамоллардан кейинги иккинчи ўринда турадиган ҳайвон тури ҳисобланиб, айрим тўйимли моддаларнинг таркибида сақланиши бўйича қорамол гўштидан ҳам устун жиҳатлари мавжуд.

Ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиши меърида кечиши уларни озиқлантириш, сақлаш, парваришлаш шароитига боғлиқ. Қўйларнинг маҳсулдорлигини оширишда уларнинг ирсий имкониятларини юзага чиқариш маълум даражада тўйимли озуқалар билан озиқлантиришга боғлиқ.

Бунда озуқаларнинг тўйимлилик, ҳазм бўлиш, организм томонидан ўзлаштирилиш даражаларини ошириш муҳим бўлиб, бунга озуқаларга турли хил усулларда ишлов бериш йўли билан эришиш мумкин. Шу жиҳатдан донли озуқаларни гидропоника усулида ўстириб бериш самарали усул ҳисобланади [1].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жайдари зотли 6 ойлик ёшдаги қўчқорчаларни 60 кун мабойнида буғдой майсаси билан қўшимча озиқлантириш ва гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш тадқиқотнинг мақсади сифатида белгиланди.

**Тадқиқот объекти.** Тажриба объекти Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Юсуф имомтепа ерлари” фермер хўжалигида урчитилувчи жайдари зотли қўчқорчалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг натижалари.** Хўжаликда мавжуд бўлган 6 ойлик ёшдаги жайдари зотли қўчқорчалардан жами 40 бош белгиланиб, улар аналог бўйича 20 бошдан икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи, иккинчиси гуруҳ тажриба гуруҳ қилиб белгиланди. Тажрибадаги қўчқорчалар 60 кун давомида қўйидаги рацион билан озиқлантирилиб, уларнинг гўшт – ёғ кўрсаткичлари ўрганилди. (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Қўчқорчаларни озиқлантириш рациони**

Кўрсаткичлар	6-8 ойлик ёшдаги қўчқорчалар	
	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
Рацион таркиби:		
Янтоқ пичани, кг	1	1
Турли ўт пичани, кг	1	1
Буғдой ёрмаси, кг	0,3	-
Буғдой майсаси, кг	-	2
Ош тузи, г	7	7
Рацион таркибида:		
Алмашинув энергияси, МДж	17	18,4
Қуруқ модда, кг	1,9	2
Хом протеин, г	232,7	250
Са, г	12,7	16,3
Р, г	6,4	8,4

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, рацион таркибидаги дағал озуқалар бир хил миқдорда берилган бўлиб, назорат гуруҳига қўшимча озуқа сифатида рационга 0.3 кг буғдой ёрмаси, тажриба гуруҳига эса 2 кг буғдой майсаси қўшиб берилди. Назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги қўчқорчалар рационда 1,4 (МДж) алмашинув энергияси, 17,3 гр хом протеин ва Са, Р юқори бўлган.

Қўйларнинг зотиغا, маҳсулдорлик йўналишига боғлиқ ҳолда гўшт маҳсулдорлиги турлича бўлиши тўғрисида кўплаб соҳа олимлари фикр юритишган [2],[3]. Гўшт – ёғ кўрсаткичлари, уларнинг нисбати гўштнинг тўйимлилиги ва энергетик хусусиятларига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади. Гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда қўйларда асосан нимта вазни, думба вазни, ички ёғлар вазни ва сўйим олди тирик вазнга нисбатан сўйим чиқими муҳим кўрсаткичлар қаторига кирилади.

Қуйидаги 2-жадвалда ушбу кўрсаткичларни ўрганиш натижалари умумлаштирилган.

## 2-жадвал.

### Тажрибадаги қўчқорчаларнинг гўшт - ёғ кўрсаткичлари. (n=3)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи				Тажриба гуруҳи			
	5 ойлик		8 ойлик		5 ойлик		8 ойлик	
	кг	%	кг	%	кг	%	кг	%
Сўйим олди тирик вазни	36±0,26	100	41,1±0,37 <sup>x</sup>	100	38,7±0,31	100	47,1±0,24 <sup>x</sup>	100
Нимта вазни	15,64±0,11	42,5	17,75±0,16 <sup>x</sup>	43,2	16,83±0,13	43,5	21,14±0,11 <sup>x</sup>	44,9
Думба вазни	2,428±0,01	6,6	3,0±0,03 <sup>x</sup>	7,3	2,670±0,02	6,9	3,90±0,02 <sup>x</sup>	8,3
Ички ёғлар	0,184±0,001	0,5	0,452±0,0037	1,1	0,271±0,0026	0,7	0,659±0,00	1,4

вазни	5						3	
Сўйим чиқими	18,25	49,5	21,20	51,6	19,77	51,1	25,67	54,5

X) -  $P < 0,001$ ; X -  $P < 0,05$

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, бўғозликгини 2-даврида озиқлантириш рационига қўшимча буғдой ёрмаси билан боқилган совлиқлардан олинган кўчқорчалар онасидан ажратишилганда (назорат гуруҳи), яъни 5 ойлигида сўйим олдида 36,8 килограмм тирик вазнга эга бўлиб, сўйилгандан кейинги нимта вазни 15,64 килограммни (42,5%), думба вазни 2,428 килограммни (6,6%), ички ёғлар вазни 0,184 килограммни (0,5%), сўйим чиқими 18,25 килограммни (49,5%) ташкил этган бўлса, бўғозликнинг 2-даврида озиқлантириш рационига қўшимча буғдой майсаси билан озиқлантирилган совлиқлардан олинган 5 ойлик кўчқорчаларда (тажриба гуруҳи), сўйим олдида бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 38,8; 16,83 (43,5%); 2,670 (6,9%); 0,271 (0,7%); ва 19,771 (51,1%) килограммни ташкил этгани аниқланди.

Тадқиқотлар давомида қайд этилган кўрсаткичларнинг динамикаси 7-8 ойлик яъни 60 кун давомида бўрдоқилангандан сўнг ўрганилди. Ушбу ҳолатда ҳам рационда гидропон озукалардан фойдаланишнинг юқори самарасини кўриш мумкин.

Бунда назорат гуруҳи кўчқорларининг сўйим олди тирик вазни 41,1 килограммни, кунлик ўсиши 71,7 граммни, тажриба гуруҳ кўчқорларида эса тирик вазн кунлик ўсишнинг 140 граммга тенг бўлгани ҳисобига 8,4 килограммга ортиб, 47,1 килограммни ташкил этгани кузатилди.

**Хулоса** қилиб таъкидлаш лозимки, ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда сўйим вазни ва сўйим чиқими муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Гўштдорлик сифатини баҳолашда уларнинг тирик вазни ўсиши бирлигига кам озукка сарфлаш шароитида бўрдоқиланиш даражасининг юқорилигига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Бу хусусиятни юзага чиқаришда озуканинг организмда ҳазмланиш даражаси юқори бўлиши самаралидир. Бундай йўللardan бири озукани гидропон ҳолатга келтириш ҳисобланади.

### References:

1. Курапаткин С.А. Молочная продуктивность коров при использовании в рационах гидропонного зелёного корма. Автореферат к.с.х.н. Оренбург 2003, С 20-22.
2. Шаптаков Э.С., Юсупов С.Ю., Хайдаров Қ.Х. Қоракўл қўйларини яйловда боқиб семиртириш бўйича тавсиянома. Самарқанд 2020.Б.5-14.
3. Рўзибоев Н.Р., ва бош. Тоғ ва тоғолди худудларда урчитилаётган турли генотипдаги жайдари зотли қўзиларнинг тирик вазни. Ж. Chorvachilik va naslchilik ishi. №1.2020. Бет. 36-38.
4. Мацерушка А.Р., Белик Н.И., Станишевская О.И. Биологическая ценность гидропонного зеленого корма для коров. Известия Санкт -петербургского государственного аграрного университета. ISSN 2078-1318 № 45.2016.С.118-123.
5. А.П.Калашников "Чорва молларини озиқлантириш норма ва рационлари" 1988 й.157-185 бетлар.
6. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва 1969, 256 с.